O'ZINGNI ANGLA!

# HURRIYAT

Mus'taqil gazeta

№ 19 (533)

2007-yil 2-may

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ➲ Chorshanba kunlari chiqadi ➲ E-mail: hurriyat@mail.ru ➲ http://www.hurriyat.uz

**Ушбу сонда:**

**2** Яйдоқлик чорраҳасидаги уйлар



**У Ўзбекистонда энг йирик ҳисобланувчи, бир пайтлар вагон-вагон маҳсулотлари чет элларга ҳам экспорт қилинган консерва заводи ҳозир Бўстонлиқ боғларига қирғин келгандай “маҳсулот йўқ”лигидан анчадан бери ишламаётганлигини яхши биларди.**

**3** Владимир Путиннинг вориси ким?



**Россия давлат раҳбарининг иккинчи президентлик муддати тугаётган бир паллада мамлакатнинг катта ва кичик сиёсий доираларида воқеаларнинг келгуси ривожи қандай бўлиши қизғин муҳокама қилиняпти.**

**4** Румий ўтган йўл



**Жалолиддин Румий моддий оламдан руҳ дунёсига кўтарила олган, тил билан ифодалаб бўлмайдиган борлиқни кўра, ҳис қила оладиган ва мавҳум тушунчаларнинг суратини чиза оладиган даражага етган эди.**

**HURRIYATга обуна йил бўйи давом этади.**

**Газетамизни ўқиб боринг, ютқазмайсиз!**

Нашр кўрсаткичи — 233

**Жараён**

# Ижтимоий ҳимоя

## унинг ҳуқуқий асослари янада такомиллашади

Президентимиз аҳолининг ижтимоий кўмакка муҳтож қатламини, айниқса, ногирон ва ночорларни, етим-есир ва беморларни, ёлғиз қариялар ва пенсионерларни, кўп болали ва кам таъминланган хонадонларни, ёш оила ва талабалар манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилишга алоҳида эътибор бериб келмоқда. Чунки бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни биринчи галда аҳолининг ана шу қатлами ҳаётига кескин таъсир кўрсатиши мумкинлигини аввалдан кўра билган давлатимиз томонидан бу салбий оқибатлар таъсирини жиддий камайтиришга қаратилган қатор қонунлар, фармон ва фармойишлар, қарорлар ва Давлат дастурлари қабул қилинмоқда ҳамда аниқ мақсадга йўналтирилган тегишли чора-тадбирлар комплекси амалга оширилиб келинмоқда.

Ана шу кучли ижтимоий сиёсат самарадорлигини ошириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш кўламларини янада кенгайтириш ва кучайтириш, халқимизнинг кўмакка муҳтож тоифаларига табақалаштирилган тарзда аниқ ёрдам кўрсатиш, жамиятда ҳамжиҳатлик, эзгулик ва меҳр-шафқат муҳитини қарор топтириш мақсадида «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури қабул қилинди.

Журналист **Саҳобиддин СИРОЖИДДИНОВ** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси **Илҳом НАСРИЕВ**га мазкур Давлат дастурида белгилаб берилган муҳим вазифаларнинг аҳамияти ва ижтимоий ҳимоя тизимининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга доир бир неча савол билан мурожаат қилди.

**— Давлат дастурининг биринчи бобидаёқ, «амалдаги ижтимоий ҳимоя тизими самарадорлигини оширишга, аҳолининг ижтимоий ночор қатламларига ёрдам кўрсатишда табақалашган тарзда ёндашишга қаратилган янги қонун ҳужжатлари ва норматив — ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда амалдаги шундай ҳужжатларга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш» вазифаси қўйилган. Бу тўғридан-тўғри Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Сиз раҳбарлик қилаётган Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси зиммасига жиддий масъулият юклаши шубҳасиз...**



— Дарҳақиқат, мамлакатимиз Президентининг бутун раҳбарлик фаолиятининг асосий негизида бир мақсад — одамларга ғамхўрлик, халқимизни бир тузумдан иккинчи янги бир тузумга жиддий ларзаларсиз, бозор муносабатлари жараёнидаги жиддий синовлардан иқтисодий ва ижтимоий қийинчиликларсиз, соғомон олиб ўтиш, бир сўз билан айтганда, машҳур беш тамойилнинг бири бўлган кучли изчил ижтимоий сиёсат олиб бориш масаласи ётганлигини бугун ҳаётнинг ўзи исботлаб турибди.

Бу жиддий ҳаёт-мамот масаласини ҳал этиш учун қабул қилинаётган қонунларни, фармон ва фармойишларни олиб кўрамизми ёки йилларга ном бериш ва тегишли Давлат дастурлари қабул қилинишини синчиклаб ўрганамизми, қайси бирини олиб кўрманг уларнинг замирида битта мақсад — халқ фаровонлиги, юрт тинчлиги, Ватан ободлиги йўлида қайғуриш ётади.

Дарҳақиқат, 1997 йилдан бошлаб кириб келаётган ҳар бир йилга алоҳида-алоҳида, бироқ бир-бири билан мантиқий ва узвий боғлиқ бўлган номлар берилишида ҳамда қабул қилинаётган Давлат дастурларида, янги қонунларда, норматив ҳуқуқий ҳужжатларда халқимизнинг ҳаёти учун зарур ва ҳал этилиши лозим бўлган муҳим устувор вазифалар, муайян ижтимоий масалалар ва аниқ мақсадлар кенг миқёсда қамраб олинганки, эндиликда ижтимоий ҳимоя масаласи бу фақат давлат ва ҳокимият идоралари, ижтимоий таъминот ва хайрия муассасаларининггина иши бўлиб қолмай, балки бу бутун жамиятимизнинг, барчамизнинг бурчимизга айланиб бормоқда.

«Ижтимой ҳимоя йили» Давлат дастурида бир-бири билан узвий ва мантиқий боғлиқ бўлган етти йўналиш мавжуд. Унинг энг асосийларидан бири юқорида сиз тилга олган ва бизнинг фаолиятимизга бевосита боғлиқ бўлган йўналишдир.

Маълумки, ижтимоий ҳимоя сиёсати — бу фуқароларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида давлат ва жамият томонидан амалга ошириладиган иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий чора-тадбирлар мажмуи бўлиб, у аҳолининг турмуш даражасини узлуксиз юксалтириш мақсадини кўзлайди. Демак, булар — бозор муносабатлари шароитида аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш соҳасидаги давлат сиёсатини таъминлаш, аҳолининг муҳтож қатламларига кўмак беришни ташкил этиш, ижтимоий ҳимояни амалга ошириш жараёнидаги барча ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш каби вазифалар бажарилишини тақозо этади.

Шу ўринда дастурда қабул қилиниши кўзда тутилган айрим мутлақо янги қонунлар ва бу қонунларнинг мақсад ва вазифалари тўғрисида ҳам тўхталиб ўтиш жоиздир. Дастурнинг биринчи бўлимидан жой олган «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун аҳолининг ижтимоий ночор қатламига ёрдам кўрсатишда табақалашган манзилли ёндашувга амал қилишни, ҳар бир фуқаронинг ижтимоий ҳимоя қилиш кафолатлари, ижтимоий ҳимоянинг асосий шакл ва усуллари, аҳолининг кам таъминланган мезонлари, хусусий тадбиркорлар ва жамият ташкилотларининг аҳолининг кам таъминланган тоифаларига ёрдам кўрсатишдаги иштироки каби муҳим ижтимоий ёрдам шакллари, усуллари ва мезонлари қамраб олиниши лозимлигини назарда тутади.

Ўз-ўзидан маълумки, бундай қоида ва мезонларнинг қонун нормаларида мустаҳкамланиши мамлакатимиздаги серқирра ижтимоий ҳимоя сиёсатининг янада мукаммаллашиб ва такомиллашиб бораётганлигидан далолатдир.

Дастурда белгиланган «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилинишидан, аввало, фуқароларнинг, шу жумладан, етим болаларнинг ва ота-онасининг қаровисиз қолган болаларнинг ҳуқуқларини аниқ кафолатловчи қоида ва бошқа зарур ҳуқуқ нормалари мустаҳкамланиши кўзда тутилган бўлса, «Тиббий суғурта тўғрисида»ги қонунда эса ихтиёрий ва мажбурий тиббий суғурталаш тамойилларини назарда тутувчи меъёрлар, тиббий суғурта ташкилотини танлаш, барча турдаги тиббий суғуртадан фойдаланиш имкониятлари, тиббий муассаса ва суғурта ташкилотларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ ифода этувчи нормалар белгиланиши назарда тутилмоқда.

Булар ўз навбатида фуқароларимизнинг соғлиғини сақлашга бўлган ҳуқуқларини амалда рўёбга чиқариш имкониятини янада кенгайтиради ва бундай ҳуқуқлар амалга оширилишини кафолатлайди.

Дастурда, шунингдек, «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалардан ва касбий касалликлардан давлат томонидан ижтимоий суғурталаш тўғрисида»ги янги қонун қабул қилиниши ҳамда яқинда парламентнинг қуйи палатаси томонидан «Ҳомийлар тўғрисида»ги ва «Йод танқислиги касалликларининг олдини олиш тўғрисида»ги қонунларни Олий Мажлиснинг юқори палатаси томонидан тасдиқланиши ҳам назарда тутилган.

Давлат дастурининг амалдаги қонунларга ва норматив ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга доир бандида «Ўзбекистон Республикасида ногиронларнинг ижтимоий ҳимояланганлиги тўғрисида»ги, «Таълим тўғрисида»ги, «Реклама тўғрисида»ги, «Табиий монополиялар тўғрисида»ги, «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги, «Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари тўғрисида»ги қонунларга ва Уй-жой Кодексига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳам кўзда тутилган.

***Давоми 2-бетда.***

**Тақдимот**

***Шундай инсонлар бўладики, нафақат ҳаётлигида, балки ўтганидан кейин ҳам мудом эсланиб, эъзозланади, яхши фазилатларию одамларга, жамиятга келтирган манфаатлари тилдан-тилга кўчиб юради ва муносиб қадрланади. Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, “Эл-юрт хизмати”, “Меҳнат шуҳрати” ордени ва “Шуҳрат” медали соҳиби, ардоқли шоир, ёзувчи, драматург ва жамоат арбоби Ҳамид Ғулом ана шундай инсонлардан бири эди.***

# Иккинчи умр




Адибдан авлодларга улкан бадиий мерос қолди. Ҳамид Ғулом асарлари кириб бормаган ўзбек хонадонини топиш қийин. У деярли барча соҳаларда сермаҳсул ижод қилди. Адибнинг фарзанди, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Шерзод Ғуломов замондошларининг ёзувчи ҳақидаги дил сўзларини жамлаб “Ҳамид Ғулом замондошлари хотирасида” деган китоб тайёрлади. Ва уни Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи яқиндагина босмадан чиқарди. Адиб таваллуд топган кунда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи ташаббуси билан Ўзбекистон Миллий матбуот марказида ушбу китобнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Хотира ва қадрлаш кунига бағишлаб ўтказилган тадбирни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов очиб, Ҳамид Ғуломга хос бўлган фазилатлар, адибнинг миллий адабиётимизда тутган ўрни, айниқса, ёш ижодкорларга нисбатан эътибор ва ғамхўрлик хусусида гапирди.

Тақдимот маросимида адабиётшунос Наим Каримов, шоира Олмосхон, Ўзбекистон халқ шоиралари Разм Бобожон, Ойдин Ҳожиева, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Носир Фозилов адиб ижоди ва ҳаёти ҳақида йиғилганлар билан ўртоқлашдилар.

Тадбирда бот-бот айтилганидек, яхши хотираларни инсоннинг иккинчи умрига менгзаш мумкин. Сендан бировлар эслайдиган яхши гап, яхши хотиралар қолибдими, демак, сен яшаяпсан ва яшайсан...

**Улуғбек БЎТАЕВ**

**Акс-садо**

# Сарсонлик ва мавҳумлик қачонгача?

## “Қоғозда бор-у, амалда йўқ 3 та уй ва 3 йилдан бери сарсон уйсиз қолган оилалар”

мақоласидаги факт ва далиллар ҳамон муаллақлигича қолмоқда

***Газетамизнинг 2006 йил 29 ноябрь сонида чоп этилган юқоридаги сарлавҳали мақолада маҳаллий ҳокимият органлари томонидан давлат бюджети маблағлари балки беҳуда совурилганлиги, балки талон-тарож қилинганини факти ҳақида мулоҳаза билдирилиб, бунинг оқибатида тоғли ҳудуддан кўчирилган 3 та оиланинг бошпанасиз қолиши бюджет маблағини ўзлаштиришдан ҳам кўра хунукроқ ҳолат эканлиги айтилган эди.***

***Мақола газетхонлар орасида қизғин мунозарага, қўллаб-қувватланишга сазовор бўлди, атайлаб таҳририятга қўнғироқ қилиб мақола учун раҳмат айтган бу воқеаларга алоқаси йўқ бегона кишилар ҳам бўлди. Бироқ бу камчилик ва нуқсонларни, балки жиноий хатти-ҳаракатни бартараф этиш, жамиятда адолатни, ижтимоий ҳимояни таъминлаш бевосита вазифаси бўлган расмий идораларнинг жавоби қандай? Мақолада тилга олинган муаммо ҳал бўладими — тоғдаги уйи бузилган-у, янги қишлоқдан уй ололмаган учта оила уйли бўладими? Бу қўпол хато ва камчиликларга йўл қўйган мансабдорлар тегишли жазосини оладимийўқми? Ахир 40 миллион сўм бюджет маблағи ўзидан ўзи йўқ бўлиб кетиб, бунинг учун айбдорлар топилмаслиги мумкинми?***

***Келинг, мана шу саволларга жавоб топиш учун, таҳририятга юборилган учта жавобни қисқартирмай, таҳрирсиз эътиборингизга ҳавола этамиз.***

***Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти:***

“Ҳуррият” мустақил газетасининг 2006 йил 29 ноябрь сонида чоп этилган “Қоғозда бор-у, амалда йўқ 3 та уй ва 3 йилдан бери сарсон уйсиз қолган оилалар” мақоласи Суд департаментининг Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан ўрганиб чиқилиб, қуйидагилар аниқланган.

Фуқаролик ишлари бўйича Шаҳрисабз туманлараро судининг 2004 йил 15 июнь кунги қарорига кўра қарздор Китоб туман ҳокимлиги ва ҳокимлик ҳузуридаги янги уй-жой билан таъминлаш комиссияси зиммасига ундирувчилар оилаларини уй-жой билан таъминлаш мажбуриятини юклатиш ҳамда ундирувчиларнинг ҳар бирига 250,0 минг сўмдан, жами 1,0 млн. сўм маънавий зарар ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатлари суд ижрочиларининг Китоб туман бўлими иш юритувига 2004 йил август куни келиб тушган.

Ижро ҳужжатининг маънавий зарар ундириш ҳақидаги қисми бўйича мажбурий ижро ҳаракатлари олиб борилиб, қарздорнинг мол-мулки ҳисобидан 2005 йил 7 январь куни 291,9 минг сўм ундирилган ва ундирувчиларга мутаносиб равишда тақсимлаб берилган.

2005 йил 10 январь куни маънавий зарарни ундириш ҳақидаги ижро ҳужжатларини қайтаришни сўраб ундирувчилар томонидан ариза берилганлиги сабабли ижро ҳужжатлари қонуннинг 40-моддаси 1-бандига кўра ундирувчиларга ижросиз қайтарилган ва ҳозирги кунга қадар мазкур ижро ҳужжатлари қайта ижрога ундирувчилар томонидан тақдим этилмаган.

Ижро ҳужжатининг қарздор туман ҳокимлиги зиммасига ундирувчиларни уй-жой билан таъминлашни юклатиш қисми бўйича Китоб туман ҳокимлигига тегишли талабнома берилиб, ижро ҳужжатининг ижросини бажариш учун муддат белгиланган.

Қарздор Китоб туман ҳокимлиги томонидан ундирувчиларга уй-жой қуриб бериш имконияти йўқлиги тўғрисида маълум қилингач, ижро ҳужжати қонуннинг 71-моддасига биноан 2004 йил 20 август куни судга қайтарилган.

Ушбу низо фуқаролик ишлари бўйича Шаҳрисабз туманлараро судида қайта кўриб чиқилиб, 2005 йил 18 декабрдаги ажримга кўра ундирувчи А. Авазовлар оиласига уч хонали уй-жойнинг қиймати 12,6 млн. сўм, Х. Шоимовлар оиласига тўрт хонали уй-жойнинг қиймати 16,6 млн. сўм, Г. Кўчаровлар оиласига икки хонали уй-жой қиймати 6,8 млн. сўм, жами 39,4 млн. сўм республика бюджетидан ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжати суд ижрочиларининг Китоб туман бўлими иш юритувига 2006 йил 5 сентябрь куни келиб тушган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган (Адлия вазирлигида 10995-1 сон билан рўйхатга олинган).

***Давоми 2-бетда.***




**Газета «Ўзбекистон ҳаво йўллари» самолётларида тарқатилади**

**Суҳбат**

# Илк танловнинг ягона ғолибаси

**Аёллар байрами 8 март арафасида Ўзбекистон мустақил оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди матбуот ва интернет тармоғида ижод қилувчи журналист аёллар ўртасида “Матбуотимиз маликаси” танловини эълон қилган эди. Танлов шартига кўра хотин-қизлар ўз фотосуратлари ва ижодий йўсинда баён қилинган таржимаи ҳолларини топширишлари керак бўлган. Юртимизда илк бор ўтказилган мазкур танловда “Учитель Узбекистана” газетаси масъул котиби Наргис Қосимова ғолиб деб топилди.**



Наргис Қосимова 1969 йил Жиззахда таваллуд топган, Тошкент ва Москва давлат университетлари журналистика факультетларида таҳсил олган. Иш фаолиятини “Жиззах ҳақиқати” газетасида бошлаб, кейинчалик Жиззах вилояти телерадиокомпанияси, “Сангзор” радиоси ва яна бир қанча ОАВларда журналист, Ўзбекистон Миллий Университетида катта ўқитувчи сифатида фаолият юритди.

**— Наргис опа, аввало, муваффақият қозонганингиз билан кутлаймиз. Ғалаба нашидасини суриш сизда илк бор юз бермаётгандир...**

— Ўзи танловларда иштирок этишни яхши кўраман. Гап ғолиб бўлиш ёки бўлмасликда эмас, бирор нарсага интилиб, мақсадли ҳаракат қилсангиз, ижодингиз ҳам ўзгача тус олади. Олдин Ўзбекистон — Индонезия дўстлик жамияти ва Индонезия элчихонаси томонидан ўтказилган танловда, Унни бойитиш мавзусини ёритиш бўйича миллий мукофотда, Россия элчихонаси ва Журналистлар ижодий уюшмаси томонидан ўтказилган танловларда қатнашиб, бир неча бор ғолибликни қўлга киритганман.

**— Сиз санаб ўтган танловлардан “Матбуотимиз маликаси”нинг қандай фарқи бўлди?**

— У танловларда бирор мавзу устида иш олиб бориларди. "Матбуотимиз маликаси" эса журналист аёлларнинг бевосита ижодга таъсир кўрсатувчи бошқа қирраларини аниқлаш ва шакллантиришга хизмат қилади.

**— Журналистлар учун ўтказиладиган танловлардан ташқари аёл журналистларга аталган махсус танловларни жорий этишга қандай зарурат бор?**

— Сирасини айтганда, журналистлик қийин касб, табиийки, аёл журналистга янада қийин. Чунки унинг вақти чегараланган. Журналистликдан ташқари уй бекаси, оналик вазифаларини ҳам ўташи керак. Журналистика талаб қиладиган тезкорлик, турли жойларда бўлиш, баъзан иш соатларидан кейин ҳам, дам олиш кунлари ҳам ишлашга тўғри келиши оилавий масалаларга тўғри келмаслиги мумкин. Аммо бу икки томонда ҳам мувозанатни сақлаб қолаётган аёлларимизга касб эгаси ва аёл сифатида эътибор қаратилмоқда. Уларни юзага чиқариш ва рағбатлантириш мақсадида бундай танловлар йўлга қўйиляпти, деб ўйлайман.

**— Журналист аёллар меҳнатининг машаққати ҳақида сўз очдингиз. Оила ва жамиятда муносиб ўрнини топиб, бу икки кутбда ҳам фаолликка эриша олиш учун, ёш журналист кадрларга қандай маслаҳатлар берган бўлардингиз?**

— Сўнгги йиллар юртимизда аёл журналистлар сафи кенгайди. Қизларда ҳам бу касб эгаси бўлишга қизиқиш кучли. Талаба қизларимдан нима учун бу касбни танлаганини сўраганимда, кўпчилик одамлар орасида бўлиш истаги юқорилигини айтган. Берадиган маслаҳатим кўпроқ ота-оналарга. Баъзилар: "Эртадан кечгача кўчада бўладими?", "Микрофон кўтариб бировнинг кетидан югуриб юрадими?" дея қизларининг журналист бўлишига тўсқинлик қилишади. Ташқи томондан бундай таъсирлар бўлмаса, бу соҳадаги аёлларга касбини ҳам, оила ишини ҳам уддалаш осонлашади.

**— Охирги савол. Кейинги йилги танловда яна қатнашасизми?**

— Тўғрисини айтсам, йўқ. Менга кўрсатилган эътибордан миннатдорман. Аммо ҳозирдан бошқа бу танловда қатнашмайман, деб хулоса чиқариб қўйдим. Сабаби, биринчидан, яна ғолиб бўлиб қолсам (кулади), иштирокчиларнинг интилиши сўниб қолиши мумкин. Иккинчидан, менга шунинг ўзи етади. Энди бошқаларга ҳам имкон бериш керак.

**Дурдона АЛИМОВА**
**суҳбатлашди**

Робита

***Ўзбекистон ва Украина ўртасидаги дўстлик алоқалари мустаҳкам илдизга эга. Айни пайтда мамлакатлараро ҳамкорлик турли соҳаларда тараққий этиб бормоқда. Ўтган ҳафта мамлакатимизда бўлган Украина бош вазири Виктор Януковичнинг ташрифи ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантиришга хизмат қилади, дейиш мумкин.***

# Ўзаро ишончга асосланган ҳамкорлик

Украина ҳукумати раҳбарини давлатимиз раҳбари Ислом Каримов қабул қилди. Президентимиз ўзаро ишонч ва манфаатдорликка асосланган муносабатлар ҳар икки томон учун ҳам самарали эканини таъкидлади. Ўзбекистоннинг иқтисодий-сиёсий имкониятларига юқори баҳо берган Виктор Янукович Украина томони юртимиз билан алоқаларни янада кучайтиришга тайёр эканини билдирди.

Ҳозирда Ўзбекистон ва Украина ўртасидаги алоқалар 1998 йили имзоланган дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорликни чуқурлаштириш тўғрисидаги шартнома ҳамда 1998-2008 йилга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик дастури доирасида олиб бориляпти. Мамлакатлар ўртасида бундан 15 йил олдин дипломатик алоқалар йўлга қўйилган бўлса, ўтган йиллар давомида 150 га яқин турли даражадаги ҳужжатлар имзоланди.

Табиийки, икки давлат ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришда олий даражадаги учрашувларнинг аҳамияти катта. 2006 йилнинг ноябрида Юртбошимиз МДҲнинг Минск саммити доирасида Украина президенти Виктор Ющенко билан учрашди. 2006 йилнинг августида Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятининг Сочида ўтган йиғинида эса бош вазир Виктор Янукович билан мулоқот ўтказди. Шунингдек, 2007 йилнинг февралида Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Украина қўшма комиссияси мажлиси ҳам бўлиб ўтди. Ушбу расмий учрашувлар ҳамкорликни ривожлантириш борасида ўзаро фикр алмашиш имконини бергани билан қимматлидир.

Ташриф давомида украиналик юқори мартабали меҳмон ва Ўзбекистон бош вазири Шавкат Мирзиёев ўртасида ҳам музокаралар ўтказилди. Ҳукумат бошлиқлари мулоқотида савдо-иқтисодий, маданий, илмий, таълим, туризм соҳасидаги алоқаларни кучайтириш масаласи муҳокама қилинди.

Бугунги кунда Ўзбекистон ва Украина ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар тобора ўсиб боряпти. Масалан, 2005 йили икки мамлакат ўртасидаги товар айирбошлаш 330,8 миллион долларни ташкил этган. 2006 йили эса бу кўрсаткич 615,3 миллиондан ошди.

Айни пайтда юртимизда Украина иштирокида ташкил этилган 40 га яқин қўшма корхона фаолият олиб бормоқда. Украинада эса мамлакатимиз сармояси асосида очилган 26 та корхона ишлаб турибди.

Бу каби илғор ривожланишни маданий, гуманитар соҳалардаги алоқаларда ҳам кўриш мумкин. Албатта, кўп томонлама муносабатларнинг барқарор ўсаётгани кишини қувонтиради. Бироқ ҳар иккала ҳукумат раҳбарлари томонидан ҳамкорлик борасидаги мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланилмаётгани қайд этилди. Музокаралар давомида ҳали ишга солинмаган имкониятлардан фойдаланиш борасида ўзаро фикрлашиб олинди. Ташрифнинг амалий натижаси сифатида бир қатор муҳим ҳужжатлар имзоланди.

**Шаҳло АШУРОВА,**
**Зумрад ЛУТФУЛЛАЕВА**

Нигоҳ

*Россия жамияти тараддудда. 2008 йили ваколат муддати якунланадиган президент Владимир Путин ўрнига янги давлат раҳбарини сайлаш тараддудида. Россия давлат раҳбарининг иккинчи президентлик муддати тугаётган бир паллада мамлакатнинг катта ва кичик сиёсий доираларида воқеаларнинг келгуси ривожи қандай бўлиши қизғин муҳокама қилиняпти.*

**Собиржон ЁҚУБОВ**

# Владимир Путиннинг вориси ким?

## Россия парламентига мактуб юборган президент бу саволни очиқ қолдиришни афзал билди

Ўтган ҳафта президент Владимир Путин мамлакат қонун чиқарувчи идораси — Федерал кенгашга мактуб юборди. Анъанага кўра ҳар йили жўнатиладиган ушбу мурожаат хатида давлат раҳбарининг ким бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги саволга ҳам жавоб олиниши кутилган эди. Бироқ кўпчиликнинг кутганига қарши ўлароқ, президент Путин парламентга мурожаатида ундан кейинги раҳбар ким бўлиши борасидаги мунозараларга муносабат билдирмасликни маъқул деб билди. Агар Владимир Путин ўз меросхўри номини тилга олишни лозим топганда, айни шу чиқишда айтиши керак эди. Чунки бу таниқли сиёсатдоннинг қонун чиқарувчи идорага президент сифатида қилган энг сўнгги мурожаати эди...

Россия раҳбарининг мактуби унинг ўтган етти йиллик фаолияти борасида ўзига хос сарҳисоб бўлди, дейиш мумкин. Парламент аъзоларига мурожаатда Россия яқин ўтган йилларда саноат инқирозини бартараф этиб, дунёнинг ривожланган йирик ўн давлати қаторига кирганини таъкидланган. Президентнинг сўзларига кўра, Россияда охирги йилларда қашшоқлик даражаси икки бараварга камайди, аҳолининг даромадлари ҳам шунча миқдорда кўтарилди.

Президент Путин Россия сайлов қонунчилигида киритилган сўнгги ўзгартиришлар, овоз бериш тизимининг демократик талаблардан келиб чиқиб такомиллаштирилганини инқилобий ҳодиса сифатида баҳолаган. Йил охирида Россияда парламентнинг қуйи палатаси — Давлат думасига сайлов бўлиши режалаштирилган. Президент ана шу сиёсий ҳодиса арафасида Россия ички ишларига ташқи давлатларнинг таъсири кучайиб бораётганидан хавотир билдирган. Давлат раҳбари Федерацияни фақат танқид қилиш йўлига ўтиб олган гуруҳлар Россия бойликларидан олдинги даврлардаги каби бемалол фойдаланиш ва Федерацияни сиёсий-иқтисодий мустақилликдан айиришни мақсад қилишганини таъкидлади.



Ҳозирда Ғарб мамлакатларида Россия матбуот эркинлиги, умуман, демократия тамойиллари чегараланаётган давлатлар қаторида тилга олинади. Ана шу муносабатга ўз эътирозини билдирган Владимир Путин мамлакатда охирги йилларда оммавий ахборот воситалари миқдори кескин ошгани, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти жонлангани, бу эса демократик давлат йўлида эришилаётган ютуқлар эканини таъкидлаган.

Президент ўз мурожаатида мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий аҳволга ҳам алоҳида тўхталган. Хусусан, юқори иқтисодий ривожланиш ҳолатига қарамасдан фуқаролар барибир уй-жой муаммосини давлат ёрдамисиз ҳал қилишолмаётганини эътироф этди. Ана шу муаммо ечими йўлида бундан буён нефть ва газ савдосидан олинадиган даромаднинг салмоқли қисми айнан ижтимоий дастурларни амалга ошириш учун йўналтирилишини маълум қилган.

Давлат раҳбари ўз мактубида саноатнинг турли соҳаларини ривожлантириш, хом ашё экспортидан ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга ўтиш зарурлигини таъкидлади. Хусусан, транспорт тизимини тараққий эттириш ва Россиянинг авиасозлик, кемасозлик борасидаги етакчилигини қайтариш лозимлигига урғу берди.

Замонавий дунёда илм-фан ҳар қандай мамлакат тараққиётининг бирламчи омилларидан бири саналади. Президент Путин ҳам ана шу долзарб масалага эътибор қаратган. Давлат раҳбарининг сўзларига кўра, биринчи навбатда нанотехнологиялар соҳасини ривожлантириш учун 180 миллиард рубль ажратилиши кўзда тутилган. Фаннинг қолган йўналишларига ҳам шунча миқдорда маблағ берилиши режалаштирилган.

Владимир Путин парламентга йўллаган мактубида яна бир кутилмаган маълумотни билдирди. Бунга кўра, эндиликда Россия Европада қуролли кучларни қисқартириш борасидаги шартномадан бир томонлама чиқади. Халқаро ҳамжамият томонидан шов-шув ўлароқ қабул қилинган қарорни Россия раҳбари шундай изоҳлаган: қуролланишни чегаралаш тўғрисидаги битим 1990 йили Варшава шартномаси ташкилоти ва НАТО ўртасида имзоланганди. Ўтган давр мобайнида шарқий ҳарбий блок тарқаб кетди. Бу билан эса фаолиятини тўхтатган ташкилот доирасида тузилган битимга амал қилишга асос ҳам қолмади.

*Шунингдек, Владимир Путин қуролланишни чегаралаш тўғрисидаги битимдан чиқиш қарорига НАТОнинг Россия чегараларига қадар етиб келгани, бу борада Шимолий иттифоқ Кремль билан умуман ҳисоблашмаётгани ҳам сабаб бўлганига ишора қилган.*

Тафсилот

# Ироқ: қўшин миқдори сиёсий жараёнга боғлиқ

***Ироқдаги вазият хавотирли бўлиб турган бир пайтда кетма-кет рўй бераётган портлашлар, бегуноҳ инсонлар ҳаётига зомин бўлаётган терактлар вазиятни баттар издан чиқармоқда. Ана шундай мураккаб вазиятда жаҳон матбуотида АҚШ ҳарбийларининг Ироқдаги фаолияти масаласи кенг муҳокама қилиняпти. Хўш, Ироқда фаолият юритаётган Америка аскарлари сони ошадими? Қўшма Штатлар ҳарбийларининг араб давлатидаги хизмати қачонгача давом этади?***



Яқинда Ироқда ташриф билан бўлган АҚШ мудофаа вазири Роберт Гейтс бу каби саволларга ойдинлик киритди. Пентагон раҳбарининг билдиришича, Ироқдаги Америка аскарларининг миқдори кўп жиҳатдан мамлакатдаги сиёсий вазиятнинг нечоғлик барқарорлигига боғлиқ. Қўшма Штатлар минтақадаги иттифоқчи сифатида Ироқ давлати олдида маълум мажбуриятларга эга эканини урғулаган мудофаа вазири мамлакат раҳбариятини сунний-шиа можароларини бартараф этиш борасидаги фаол ҳаракатга чорлади. Шу билан бирга Пентагон етакчиси АҚШнинг Ироқдаги ҳарбий кўмаги абадий эмаслигини ҳам таъкидлади.

Хабарингиз бор, айни пайтда Ироқда диний асосдаги низо туфайли кунига ўнлаб инсонлар қурбон бўляпти. Араб мамлакатидаги вазиятнинг мураккаблашиши муносабати билан АҚШ президенти Жорж Буш у ердаги ҳарбий хизматчилар сонини ошириш борасида таклиф билан чиққанди. Бунга кўра, Ироқнинг Бағдод ва Анбар шаҳарларидаги хавфсизликни таъминлашга ёрдам бериш мақсадида 27500 ҳарбий хизматчи юборилиши кўзда тутилганди. Бироқ ҳарбий харажатларни тасдиқлаш ваколатига эга бўлган Конгрессда мазкур ғоя ҳозирча тўла қўллаб-қувватланмаяпти.

Ироқдаги ташриф давомида мудофаа вазири Роберт Гейтс Бирлашган штаб раиси, генерал Питер Пейс билан ҳам учрашди. Америка генерали Ироқдаги қуролли тўқнашув ва портлашларни камайтириш бўйича амалий усуллар ишлаб чиқилаётганини маълум қилди. Пентагон раҳбари эса Ироқдаги вазиятни яхшилаш борасида кунлар, ҳафталар эмас, ойлар керак бўлишини таъкидлади.

Айни пайтда Ироқ парламенти — Вакиллар палатаси томонидан маҳаллий ҳудудларда сайловлар ўтказиш, нефть саноатига хориж сармояси киритишни тартибга солиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари кўриб чиқиляпти. Пентагон раҳбари Ироқда давом этаётган портлашлар мамлакат парламентининг тўлақонли ишлаши, жумладан, зикр қилинган қонунларни қабул қилишига халақит бермаслиги кераклигини таъкидлади.

**Абдул СОБИР**

Рейтинг

## Энг оммабоп уяли телефонлар

***Strategy Analytics тадқиқот агентлиги ўтказган изланишларга қараганда, дунё уяли телефон бозорида 2006 йилда 1 млрд. дона мобил алоқа воситаси сотилди. Бу эса мазкур тизим бир йил ичида 25% га ўсганини англатади. 2006 йилда яна бир рекорд ўрнатилди. Ўтган йилнинг сентябрида дунё бўйича мобил алоқадан фойдаланиш имконига эга кишилар сони 2,5 миллиардга етди.***

**2006 йили энг кўп уяли телефон ишлаб чиқарган компаниялар**

| | |
|---|---|
| 1. Samsung | 8 172 290 |
| 2. Nokia | 7 759 700 |
| 3. Motorola | 5 913 200 |
| 4. Sony Ericsson | 4 237 100 |
| 5. BenQ Mobile | 2 516 000 |



Нашр

# Мўминнинг меърожи

***“Ҳидоят” журналининг навбатдаги сони нашрдан чиқди. Қуйида энг сара мақолалардан баъзи парчаларни эътиборингизга ҳавола этамиз.***



Анасдан (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилинади. Расулуллоҳ (саллаллоҳу алайҳи васаллам) айтдилар: “Ким таҳоратни етук қилиб, намозни вақтида ўқиб, унинг қиёми, хушуъси, рукуси, саждасини мукаммал этса, намози мақбул, ўзи нуроний бўлади ва намози: “Мени муҳофаза қилганингдек, Аллоҳ сени ҳам муҳофаза қилсин”, дейди. Ким вақтида ўқимасдан, таҳоратини ҳам тўла қилмай ва хушуъ, руку, саждаларни мукаммал адо этмаса, мақбул бўлмайди ва: “Мени зое қилганингдек, Аллоҳ сени ҳам зое қилсин”, дейди” (Табароний ривояти).

### Савдони бекор қилиш ҳуқуқлари

Сотувчи савдони бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлишини шарт қилиб молини сотганида унинг ҳуқуқининг амал қилиш муддати (уч кун) ўтмай, мол олувчининг қўлида айбли бўлиб қолса (сотувчи савдони бекор қилишни истамаса) ёки нобуд бўлса, олувчи унинг олган кундаги қийматини тўлаши керак. Бу ўринда “қиймат” дейилганида икки одил кишининг молга қўйган нархи тушунилади. Бу ҳолда агар у молнинг чойнак, пиёла каби ўхшаши бор бўлса, ўхшашини олиб беради. Мол айбли бўлиб қолганида сотувчи савдони бекор қилса, олувчи молнинг айби туфайли нархидан йўқотган қисмини товон сифатида тўлайди.

**Муҳаммад Шариф ЖУМАН**

### Муборак хирқа

Соҳибқирон Амир Темур даврида муборак хирқа Ислом динимизнинг қуввати дея шарафланган Бухоро шаҳрига келтирилади. Бу воқеа Бухоро шаҳрининг шавкатига шавкат қўшиб, ҳақиқий мусулмон зиёратгоҳларидан бирига айланишига сабаб бўлди. Амир Темур бобомиз бошқараётган мамлакат қудрати ортиб, обрўси янада юксалди.

Кўплаб зафарларга, хоссатан, исломий имон-эътиқоднинг мустаҳкамланишига сабаб бўлган муборак хирқа салкам бир аср Бухорои шарифда сақланди.

**Абдуллоҳ ТОШҚИН**

### Усома ибн Зайд

Усома отасининг пок жасадини Шом чегараларида қолдириб, Мадинага қайтди. Ҳижратнинг ўнинчи йили яна қўшин тузилди. Унинг таркибида Абу Бакр, Умар, Саъд ибн Абу Ваққос, Абу Убайда ва бошқа ёши улуғ саҳобалар бор эди. Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) Усома ибн Зайдни қўмондон қилиб тайинладилар. У ҳали йигирма ёшда эди. Балқо ва Даровий қалъаси чегарасигача бошлаб боришни буюрдилар. Қўшин тайёр бўлиши билан Расулуллоҳ (саллаллоҳу алайҳи ва саллам) бетоб бўлиб қолдилар. Бетобликлари кучайгач, қўшин у зотнинг аҳволлари яхшиланишини кутиб, юришдан тўхтаб қолди.

**Юлдуз КОМИЛ**

### Ёнғоқсевар олмахонлар

Олмахонлар хас-хазон орасида яширин ёнғоқларни ўта сезгир исковичлиги туфайли топа олади. Улар ҳатто ўттиз сантиметрлик қор тўшами тагида ётган ёнғоқ исини илғай олади.

Қиш учун овқатни олмахонлар инларига ташиб келиб, бир неча жойда сақлайди. Кейинчалик бу жойларнинг кўпини унутиб қўйишади. Олмахонларнинг шу “паришонхотирлиги”да ҳам Аллоҳ белгилаб қўйган бир ҳикмат бор экан: олмахонлар унутган бу заҳирадан келгусида янги дарахтлар униб чиқади.

**Раҳматуллоҳ ДОНИЁР**

Зебо АБДУҚОДИРОВА тайёрлади

# Фуқаролик жамияти қуришнинг асосий шарти

***Мамлакатимизда охирги йилларда демократик тамойилларни қарор топтириш борасида жуда катта ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Сиёсий жабҳадаги мазкур чора-тадбирларнинг барчаси Ўзбекистонда ҳуқуқий-демократик давлат, одил фуқаролик жамияти бунёд этиш йўлидаги амалий ҳаракатлардир. Ҳуқуқий-демократик давлат қуриш жараёнида фуқароларнинг юксак ҳуқуқий саводхонлиги асосий шартлардан бири саналади. Дунё тажрибасидан маълумки, ҳуқуқий билими ва сиёсий дунёқараши кенг бўлган, бир сўз билан айтганда, фаол фуқаролик позициясига эга бўлган аҳолигина ҳуқуқий демократик давлатни бунёд эта олади.***

***Шу маънода адолатли фуқаролик жамияти қуриш йўлида дадил одимлаётган юртимиз аҳолиси ҳам сиёсий билим, ҳуқуқий саводхонлик каби масалаларда юксак савияда бўлмоғи талаб этилади. “Hurriyat” газетаси айни шу эзгу мақсад йўлида, яъни юртдошларимизнинг сиёсий фаоллигини янада оширишни кўзлаб янги лойиҳани бошлаяпти. Таҳририятимиз томонидан «Демократик жамият қурилишида аҳолининг фуқаролик позициясини шакллантириш ва фуқароларнинг фаоллигини ошириш масалалари» мавзусида тақдим этилган лойиҳа Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан маъқулланди ва газетамизга бир миллион сўм миқдорида грант ажратилди. Лойиҳа режасига мувофиқ, фуқаролик жамияти қуриш жараёнида эришилаётган ютуқлар, бу борадаги муаммоларни кенг ёритиш кўзда тутилган. Шунингдек, грант доирасида газетхонларнинг сиёсий билимларини янада мустаҳкамлаш, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган материаллар ҳам мунтазам бериб борилади.***

***Газета таҳририяти мазкур лойиҳани амалга оширишда Ўзбекистон Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтини фаол ва яқин ҳамкор деб билади. Ўйлаймизки, институт мутахассислари ва газета ходимлари ижодий ҳамкорлиги асосида тайёрланган материаллар зукко ўқувчиларимизни бефарқ қолдирмайди.***

***Қуйида лойиҳа доирасидаги дастлабки материал билан танишишингиз мумкин.***

# Ҳуқуқий билимларимиз қай даражада?

**Ф**уқаролик жамиятини шакллантиришда ёшларнинг ҳуқуқий билим савияси юқори бўлиши асосий шартлардан бири саналади. Хўш, юртимиз келажагининг бунёдкорлари бўлган ёшларимизнинг ҳуқуқий билимлари қай даражада? Ана шу саволга жавоб топиш мақсадида Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти яқинда гуманитар соҳадаги олий ўқув юртлари талабалари ўртасида ижтимоий тадқиқот ўтказди. Институт мутахассислари социологик тадқиқот учун мамлакатимиздаги икки олий ўқув юрти — Ўзбекистон Миллий университети ва Тошкент Давлат юридик институтини танлашди. Талабаларнинг реал ҳуқуқий билим даражасини аниқлаш мақсадида ўтказилган сўровда 103 та респондент иштирок этди.

Тадқиқотнинг дастлабки босқичида талабаларга ўз билимларини қандай баҳолашлари тўғрисидаги саволлар билан мурожаат қилинди. Сўров натижалари талабаларнинг учдан икки қисми (67%) ўз ҳуқуқий савиясини юқори баҳолашини кўрсатди. Масалан, Тошкент Давлат юридик институтининг 30% талабаси ўз ҳуқуқий билимини юқори деб эътироф этган бўлса, 58%и ўрта даражадан баланд деб баҳолаган. Ўзбекистон Миллий университети талабаларининг асосий қисми (51%) ҳам ўз билим савиясининг яхшилигига ишонч билдирган.

**А**лбатта, талабаларда ўз билими ва салоҳиятига ишонч бўлгани ижобий ҳолат. Бироқ, афсуски, ёшлар билим даражасини аниқлаб берувчи назорат саволларга кўнгилдагидек жавоб бера олмаганлар. Назорат саволларида талабалардан ўз конституциявий ҳуқуқларини кўрсатиб бериш сўралган эди. Гарчи талабалар мамлакатимизнинг бош қонунида мустаҳкамланган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини санаб ўтишга уринишган бўлса-да, бу борада чалкашликларга йўл қўйишган. Хусусан, аксарият респондентлар шахсий, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлар ўртасидаги фарқни англаб етишмаган.



Эслатма ўрнида айтиш керакки, Ўзбекистон Конституцияси ва қонунларида фуқароларга шахсий, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари берилган. Фуқароларнинг шахсий ҳуқуқларига яшаш, виждон, турар-жой дахлсизлиги, сўз ва фикр эркинлиги каби ҳуқуқлар киради. Сиёсий ҳуқуқлар сифатида сайлаш ва сайланиш, сиёсий партияларга аъзо бўлиш, жамоат ташкилотлари фаолиятида иштирок этиш, митингларда қатнашиш, референдумларда овоз бериш имкониятидан фойдаланиш кабиларни санаб ўтиш мумкин. Меҳнат қилиш, бепул таълим олиш, малакали тиббий хизматдан фойдаланиш, ижтимоий муҳофаза, дам олиш кабилар эса ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлар ҳисобланади.

**С**ўров натижаларига кўра, талабалар томонидан санаб ўтилган ҳуқуқлардан яшаш (57,3%), сайлаш ва сайланиш (79,6%), мулкка эгалик қилиш (39,8%), таълим олиш (39,8%) меҳнат қилиш (37,9%) энг кўп санаб ўтилган.

Шунингдек, талабалар томонидан мамлакатимиз парламенти томондан қабул қилинган қонунлар, Президент ва ҳукумат қарорлари номлари бўйича ҳам айрим хатоларга йўл қўйилган.

**Х**абарингиз бор, яқинда Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонуни қабул қилинди. Жамият ҳаётида муҳим сиёсий ўзгаришларни бошлаб бериши кутилаётган ушбу қонунни мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси, хусусан, ёшларимиз пухта ўзлаштириши лозим.

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти томонидан ўтказилган ижтимоий тадқиқот давомида талабаларнинг ушбу Конституциявий қонундан нечоғлик хабардор эканликлари ҳам кўриб чиқилди. Сўров натижаларига кўра, респондентларнинг 36,9 %и Конституциявий қонундан хабардорлигини маълум қилган.

Олий ўқув юртлари талабаларининг мамлакат миқёсида катта сиёсий ҳодиса саналган қонундан бехабар қолаётганига нима сабаб бўлиши мумкин? Талабаларнинг ўзи бунга сабаб сифатида ОАВда ахборот камлиги (11%), олий ўқув юртларида етарли маълумот берилмаётгани (16,%), вақт камлиги (18%) каби омилларни кўрсатишган.

Хуллас, ўтказилган ижтимоий тадқиқот умумий миқёсда ёшларнинг ҳуқуқий билим даражаси ҳали кўнгилдагидек эмаслигини кўрсатди.

**М**авжуд ҳолатдан келиб чиқиб Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти мамлакатимиз ёшлари ўртасида маънавий-маърифий тарғиботни янада кучайтиришни тавсия қилади. Шунингдек, олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида ёшларнинг мамлакатда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий ҳодисалар бўйича хабардорлигини ошириш борасида ҳам мунтазам тадбирлар ўтказиш керак. Бу ишда эса ОАВнинг имкониятларидан самарали фойдаланиш, газета-журнал, радио ва телевидение орқали ҳуқуқий мавзудаги мақола, эшиттириш ва кўрсатувларга кенг ўрин ажратиш зарур.

**С. КАМОЛОВ,**
“Hurriyat” мухбири

**Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг моддий ва ахборот кўмагида тайёрланди. Лойиҳа: «Демократик жамият қурилишида аҳолининг фуқаролик позициясини шакллантириш ва фуқароларнинг фаоллигини ошириш масалалари».**

Жавоҳир

## 2007 йил — халқаро Румий йили

**Муаззам Шарқ кўплаб буюк даҳоларга бешик бўлган. Бу мўътабар зотларнинг исмларини шунчаки қайд қилиб ўтганда ҳам саҳифалар тўлиб кетиши шубҳасиз. “Нур — Шарқдандир” деган эътироф ана шундандир. Шарқнинг улуғ фарзандлари қаторида Жалолиддин Муҳаммад Румий Балхийнинг алоҳида ўрни бор.**

**Ҳаким САТТОРИЙ**




Тоза палакларда туп ёзган Жалолиддинни тақдир етарлича сийлаган. У кўз очган хонадон теварак-атрофда машҳур, узоқ-яқиндан кўплаб маърифатталабларнинг орзусидаги даргоҳ эди. Умр йўллари уни даврининг буюк инсонлари билан юзма-юз қилди. Воизликда юксак мақомга эришиб, сўз сеҳрини тўла шеъриятда намойиш этди. Руҳий ва моддий дунё синоатларини ўз тафаккурида қайта кашф қилиб, олам асрорини инкишоф этишнинг янги йўлини асослади: Мавлононинг қарашларини муридлар тартибга солиб, тасаввуфда янги тариқат — “Мавлавия” сулукини тақдим этдилар. Гарчи бир пайтлар “Ҳеч қачон ўзимда шеъриятга майл сезмаганман ва менинг назаримда ундан баттар машғулот йўқ”, деган бўлса-да, оташин илҳом қанотида ўтли мисралар яратди. Мисраларки, тафаккурнинг теран қатламларидан баҳс юритарди: унинг бир байтига 21 варақ шарҳ ёзилган.

Жалолиддин Румий моддий оламдан руҳ дунёсига кўтарила олган, тил билан ифодалаб бўлмайдиган борлиқни кўра, ҳис қила оладиган ва мавҳум тушунчаларнинг суратини чиза оладиган даражага етган эди. Инсоният учун ато этилган бу Инсоннинг ҳаёт йўлига разм солиш кўплаб саволларга жавоб берса ажаб эмас.

### 0 — 15 ёш

Хоразмшоҳлар салтанатининг муҳим нуқталаридан бири, Хитой ва Ҳиндистондан, Эрон ва Мовароуннаҳрдан келадиган карвон йўллари туташадиган Балх ўша пайтда гуллаб-яшнаган шаҳар эди. Шаҳарнинг яна бир ифтихори — унда машҳур олим ва воиз Муҳаммад ибн Ҳусайн ал-Хатибий — Баҳовуддин Валад яшар эди. Унинг тушига пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) кириб, олим иқтидорининг эътирофи сифатида уни Султонул Уламо (олимлар султони) деб аташни амр этган эдилар. Султонул Уламо ислом илоҳиётшунослиги, Қуръон тафсири ва ҳадислар шарҳидан мадрасада дарс берар, унинг “Ал-Маориф” китоби жуда машҳур эди. Онаси Муҳаммад Хоразмшоҳнинг қизи эканлигиданми ёки машҳурлиги боис саройга яқин бўлган.

Ана шу оилада ҳижрий 604 йил рабиул-аввал ойининг 6-сида, мелодий 1207 йил 30 сентябрда Жалолиддин Румий таваллуд топган.

Бу пайтлар Хоразмшоҳлар давлатининг ойи тўлишган палласини бошидан кечирган, салтанатда парокандалик белги бера бошлаган давр эди. Жумладан, Хоразмшоҳнинг онаси, ақлли ва қатъиятли Туркон хотун атрофида уюшган ҳарбий зодагонлар илм-маърифат вакилларига қарши фитна қўзғашга уринишаётган эди.

Табаррук оилада туғилган Жалолиддин тарбияси илм-урфон нури билан чулғаб олингани шубҳасиз. Хокисор, меҳрибон она — Мўмина хотун гўдак бошида парвона, фақат унинг бошқаларникига ўхшамаган қилиқларини шарҳлашга ожизлик қиларди. Бир куни 4-5 ёшларида том четида ўтириб, фалакка парвоз қилишни хоҳлади, қўлларини ёзиб, бир зум ўзини бўшлиқда ҳис қилди. Унинг бу ҳолатини руҳоний алломалар “Ўшанда ҳақиқатан Жалолиддин кўкка парвоз қилган”, деб изоҳлашса, моддиюнчилар “У пастга қулаб, ҳушидан кетди”, деб таъкидлайдилар. Нима бўлганда ҳам боланинг вужудида ердан кўтарилиш — жами инсонлар пойанда бўлган тупрокдан баландда туриш, самога интилиш туйғуси барқ урарди ва бу ҳис тобора кучайиб борди. Кейинчалик илҳоми жўш урганда чарх уриб рақсга тушар, шунда, эҳтимол, бир зум ўзини озод сезарди. Рубоийларидан бирида мана бундай деб ёзиши ҳам бежиз эмас:

**Мен зарраман,**
**қуёшлик ойим сенсан,**
**Бемор ғамингману**
**давойим сенсан.**
**Учмоққа қанот йўқ,**
**вале учгаймен,**
**Сомон бўлибман,**
**оҳанрабойим сенсан.**

Саройда эса фитна авж оларди. Ниҳоят, диний масалаларда бир-бирига ашаддий рақиб бўлган Султонул Уламо билан ақидапараст мутаассиб Фахриддин Розий бутунлай душманга айланди. Аъёнлар Розийнинг тарафида бўлишди, унинг фатволарини қўллаб-қувватлашди. Бу ҳол оғир кўргуликларга олиб келди. Хусусан, иғво туфайли машҳур шайх Маждиддин Бағдодий фожиали қатл этилди (1209). Султонул Уламо ва Маждиддин Бағдодий бир пайтда Нажмиддин Кубро даргоҳига қадам қўйиб, мурид бўлишган, муборак хирқани ҳам шайхнинг қўлидан кийишган эди.

Ҳаддидан ошаётган Муҳаммад Хоразмшоҳ муқаддас ақидаларни ҳам писанд қилмай қўя бошлади. Бағдод халифаси Носирга мактуб йўллаб, пойтахт масжидларида ўз номига хутба ўқитишни талаб қилди. Бу бутун халифаликни ўз тасарруфига киритишга шаъма эди. Ҳолбуки, Аббосийларнинг то қиёматгача тахтда ўтириши Муҳаммад алайҳиссалом томонидан иноят қилинганди.

Айни пайтларда Чингизхон галалари чигирткадек яқинлашиб келар, Хоразмшоҳлар давлатининг шарқий негараси ҳисобланмиш Ўтрор остоналарида турарди. Мўғуллар 450 мусулмон савдогарни элчи сифатида йўлладилар. Ҳиссиётга берилган ва келажакни кўра билмаган Хоразмшоҳ жами савдогарларни қиличдан ўтказишга амр қилди, 500 туядаги қимматбаҳо буюмлар Ўтрор ҳокими томонидан шоҳга тортиқ қилинди.

Тушида сарвари коинот — Муҳаммад алайҳиссаломни кўриб, шарафланган Баҳовуддин Валад — Султонул Уламо кетма-кет содир этилган уч катта гуноҳ — шайхнинг ўлдирилиши, халифага таҳдид солингани, элчи савдогарларнинг қатли ом этилишларини тафаккур кўзгусига солиб кўрди ва салтанатга мислсиз бало яқинлашиб келаётганини ҳис қилди. Уламо ва шайхлар ҳам муқаррар қойим бўлажак илоҳий жазо ҳақида каромат қила бошладилар. Бу жазо эса тенгсиз қудратга эга бўлган Чингизхон қўшинидан келиши ҳам сир эмас эди.

Хуллас, бошланиб кетган буҳрон олдида ўзини ожиз сезган Султонул Уламо Хуросонни тарк этишга аҳд қилди. Оила аъзолари, муридлари куршовида кўч-кўронини ортиб, Балхдан чиқишди. Дастлаб Бағдодда, сўнгра ҳаж амалини адо этиш учун Маккаю мукаррамада бўлишди. Дамашқда бироз муддат яшашди.

Бу пайтда Кичик Осиёнинг сиёсий харитаси ранг-баранг олақуроқ бўлиб, Хоразмшоҳлар, Бағдод халифалиги билан ёнма-ён унинг марказида Салжуқийлар бошлиқ Рум султонлиги (1077-1307) Кунё (қадимги Икониум)ни пойтахт қилиб, шиддат билан ривожланаётган эди. Салжуқийлар, айниқса, Аловиддин Қайқубод I (1219-36) ва Ғиёсиддин Кайхисрав II (1236-45) ҳукмронлиги даврида шу ҳудудда етакчи мавқе кашф этганди. Умид осойишта ва фаровон туркий султонлардан эди-ю, фақат уларнинг муносабати аниқ эмасди.

Хуросон таҳлика ичида қолганди. Балхдан чиққан карвон ҳам ором билмасди. Ҳатто арининг ҳам уяси бузилмасин экан. Улар Ҳижоз ва Шом бўйлаб йўл тортишарди. Шунда закий инсонлар отасининг изидан эргашиб бораётган Жалолиддинни кўрсатиб, “Уммоннинг денгиз ортидан боришини кўринг!” деган экан. Ўткир назарлар ёш ўғлоннинг келажагини адашмай башорат қилишарди. У ана шу ёшида Қуръонни ёд билар, ҳадис илми ва шариат қонунларини ўзлаштирган, араб тили грамматикасию шеър тузилишини тўла ўрганган, улуғ шоирларнинг асарларини мутолаа қилиб, бенуқсон тушунарди.

Маърифати барқ уриб турган ўсмирни улуғ шоир Фаридиддин Аттор ҳам кўргач, идрок этди.

Уларнинг карвони Нишопур шаҳридан ўтиб борарди. Султонул Уламо эски таниши — севимли шоири Фаридиддин Атторни эслади. Аттор ундан 15 ёш катта, суфийлик хирқасини мактабдоши ва оғаси, ўша Хоразмда ўлдирилган шайх Маждиддин Бағдодий қўлидан кийган эди. Нишопурда ҳам нотинчлик, маърифатсиз бир зот ҳоким бўлган ва Атторни ҳам куфрда айблаб, бадарға қилган экан. Шаҳар четидаги узоқ тоғ бағрида жой олган ғор оғзида икки қария учрашди. Улар уч карра бош эгиб саломлашгач, гулхани ўчиб қолган ўчоқ яқинидаги тошга юзма-юз ўтиришди ва лом-лим демай бир-бирларига тикилиб қолишди. Нигоҳлар кўнгилга назар айлар, борлиқни кичик унсурлар, қисқа шарҳлар орқали эмас, яхлитликда қабул қиларди. Бундай пайтда сўз кетмайди. Сўз бу чоқ ожиз ва зерикарли. Улар шу ҳолда узоқ ўтиришди. Ниҳоят, шоир тилга кирди:

— ... бедаво, бесамар жаҳондан кечдим.

Шоир тугаб битган шамга ўхшарди. Унга ачиниш эса жоиз эмас, билъакс шундай зотдан айрилиб қолажак дунёга ачиниш лозим эди. Валад тўлишиб деди:

— Шукр, дийдорингизни кўришга муяссар бўлдим.

Ҳамроҳлар бу сирли суҳбатни жим кузатишар эди. Шундан сўнг улар узоқ суҳбатлашдилар. Нима ҳақда — Жалолиддин буни билмайди. Ниҳоят, шоир букчайганча ғорга кириб кетди ва бир китоб олиб чиқди. Дарвоқе, бутун мусулмон дунёсини кезиб чиққан, тафаккурнинг энг тоза гавҳарларини ўзида жамлаган “Мантиқ ут-тайр” сингари асар ёзиб, дунё асрорини инкишоф этган шоир, чеҳраларга боқиб кўнгилларни ўқувчи сирдон китобни отасига узатаётиб, Жалолиддинга боққан эди. Китоб буюк шоирнинг “Асрорнома” достони эди. Унинг назари эса поёнига етаётган сўз авжининг яна янги фалакларда кўришга иштиёқи эди. Ўша бесаранжом лаҳзалардаги бу қисқа учрашув Жалолиддин Румийнинг умр йўлидаги бир ойдин бекат бўлиб қолди.

Шунинг билан Нишопурдан ҳам ўтишди. Энди йўл Салжуқийлар тасарруфидаги ерларда давом этарди. Малатия орқали Сивос, Арзинжон, Оқшеҳир йўлларида қарийб тўрт йиллик умр ўтди. Султонул Уламо мадрасаларда дарс берди, Жалолиддин эса отасидан бутун илмларни ўрганди. Вақтини таҳсил билан ўтказди.

Йўллардан ўтиб боришар экан, саргардон карвонларга, тўда-тўда йўловчиларга дуч келишарди. Улар ўзлари билан дунёнинг турли бурчакларидан хабарлар олиб келарди. Қўналғаларда кечагина Султонул Уламо кўчи ўтган йўлларда мўғул галалари изғиб юргани, шаҳарлар таслим бўлгани, Урганч кунпаякун қилингани ҳақида суҳбатлар бўларди. Ҳа, Хоразмшоҳларнинг офтоби тўлўға етганди. Йўлларда қўрқиб қолган Аббосийларга ёрдамга бораётган Салжуқийларнинг лашкарлари тўп-тўп бўлиб учрарди.

Сокин ва баракотли салтанат тобора бағрига чорларди. Энди улар бир йил қишни ўтказиш нияти билан Лоранда (ҳозирги Караман) шаҳрига боришди (1222). Унинг ҳокими амир Мусо кўнгли тоза, маърифатни қадрловчи туркий ҳукмдор эди, меҳмонларни очиқ чеҳра билан кутиб олди.

### 16-36 ёш

Лорандада бир йил эмас, ризқ тортиб етти йил қолиб кетишди. Ҳоким Султонул Уламо ҳурматига шаҳарда мадраса қурдирди. Жалолиддин ҳам отаси билан бақамти ваъз ўқишга киришди. Илк марта қалбида шеър завқи борлигини шу ерда туйди ва баъзан ваъзларида ўзининг байтларидан қўшиб ўқий бошлади. Савдогар Шарафиддин Лоло Самарқандийнинг қизи Гавҳар бонуга муносабати эса тарқоқ мисраларни бир ипга тизишга ва фавқулодда ўтли сатрлар тузишга ундади. У эҳтиросли қалби билан бу гўзал ойимчани севиб қолди. Тезда тўйлари бўлди. Орадан йил ўтиб Яратган уларни ўғил фарзанд билан сийлади. Унга бобонинг шарафига Валад деб ном бердилар. Кейинчалик Султон Валад комил инсон бўлиб етишди. Бобоси ва отасининг ҳаёти ҳақида “Валаднома” достонини ёзди. Отасининг айтганларини сўзма-сўз йиғиб, “Фиҳи ма фиҳи” (“Ўзи ҳақида ўзи”) китобини тузиш билан бирга падарининг таълимотини қувватлантириб, “Мавлавия” сулукини асосладики, ҳозирги кунда унинг тарафдорлари ер юзида ўн миллионлаб кишини ташкил этади.

Беш йил бурун арман подшоси Левон II дан тортиб олинган Лоранда кўп миллатли шаҳар эди. Унда туркийлар билан ёнма-ён форслар, юнонлар, арманлар ва бошқа халқлар яшарди. Бўшаб қолган монастр, бутхоналар ёнида масжидлар қурила бошлади. Шундай шароитда Султонул Уламонинг мавқеи ва хизматига эҳтиёж катта эди. Амир Мусо ҳам устозни узоқроқ ушлаб туриш пайида эди.

Жалолиддин имкониятдан фойдаланиб, юнон ва бошқа тилларни қўшимча равишда ўрганди. Турли динлар ва халқлар тарихи билан қизиқди. Эҳтимол, ана шу таҳсиллар жараёнида унда илк бора жами халқлар бир ота-онадан тарқалгани, барча динларнинг негизи ягоналиги ҳақидаги андишалар пайдо бўлгандир.

Лоранда дунёга тийрак кўз билан боқиб, нигоҳи қадалган уфқни кўзлаб ерда қадам ташлаб бораётган ёш йигит ҳаётида ўчмас из қолдирди. У шу ерда тириклик синоатларига илк бора дуч келди. Илк бора айрилиқ бағрини ўртади: дастлаб касалманд акаси Аълоиддин, сўнгра онаси Мўмина хотун ёруғ дунё билан видолашди. Хомуш тахаллуси билан илк шеърини ёзди. Илк марта инсон вужуди фақат тўқималардан иборат эмаслигини, унинг қайсидир узвларида тўфон турса, ҳатто мияга ҳам бўйсунмай қолишини ҳис этди; бу дастлабки таассуроти ўзгармай қолди ва бир умр юрак миядан устун, деган ақида билан яшади. У бу ҳисни Гавҳаройимни севиб қолганда туйган эди. Ва ниҳоят, дунёнинг боқийлиги зурриётларнинг давомийлигида (“мен ҳам япроқман, томиримга эгилганман”) эканлиги саодати шу шаҳарда насиб этди: биринчи фарзанди Лорандада туғилди.

Султонул Уламо (Баҳовуддин Валад) бу ерда етарлича шуҳрат қозонди. Унинг ваъзларининг довруғи узоқ-узоқларга таралди. Албатта, буни пойтахт, ҳукмдор билмаслиги мумкин эмас эди. Аниқ далилларга қараганда, султон Алоиддин Қайқубод уламога махсус хат билан мурожаат этиб, уни Кунёга таклиф этади. Жуда кўп ваъдалар беради. “Амри подшо — вожиб” деганларидек, таклифни қабул қилмасликнинг иложи йўқ эди.

Азбаройи ихлоси ва ҳурматининг буюклигини изҳор этиш учун кутиб олувчилар сафининг бошида султон Алоиддиннинг ўзи турарди. Яқинлашгач, уламо тўхтаб, таъзимга бош эгди. Султон яна яқинлашиб, энгашди ва устознинг қўлини ўпмоқчи бўлди. Уламо ҳукмдорга қўли ўрнида ўпиш учун ҳассасини тутди. Бу шаккокликдан султон бағоят дарғазаб бўлди: “Бунча манман бўлмаса бу чол!”. Аммо ҳамманинг кўзи унда эди, қаҳрини сездирмай, ҳассага лабини босди. Султонул Уламо унинг кўнглидан кечган гапни сезган эди, устозларга хос босиқлик билан муридларга ўқдек таъсир қилувчи оҳангда шундай деди:

— Мен такаббур эмасман. Билгинки, таслим бўлиш (бош эгиш) гадолар иши. Султонларга бу муносиб эмас.

Саройга эмас, Олтинпо мадрасасига жойлашиб олган шайх умр фаслининг тўлишган айёмида бутун иқтидорини ишга солиб ваъз ўқирди. Унинг лутфи оҳанрабодек кишиларни ўзига тортарди. Султоннинг талаби билан дамашқлик усталар бино этган улкан масжиди жомега Алоиддин Қайқубод бошлиқ хонадони вакиллари, саройининг жами аъёнларию аркони давлати, қозилар, ҳарбийлар, савдогарлар ташриф буюрарди. Ваъзларда Қуръони карим оятлари тафсир қилинар, шу асосда илми шариат, илми урфон, илми ҳидоят — хуллас, жами дунё сирлари ҳақида баҳс борарди. Минглаб китобларни кўрган, кўплаб диёрларни кезган уламонинг чақиндай хотирасида қанчалаб шеърий мисралар, ривоятлар, рақамлар, исм-шарифлар бехато айланар, оддий унсурнинг жузъий бир ҳолатидан бепоён самовот сирларини кафтдагидек кўрсатиб бера оларди. Бир далилнинг кўплаб талқинларини келтирар, бир талқин янги талқинларнинг занжирига уланиб кетаверарди. Нарсалар ва моҳиятлар Султонул Уламо ваъзи орқали жами сирларини намоён қиларди.

*(Давоми келгуси сонда).*

Танишув

## Денгизлар ғарқ бўлар кўз қароғимда



**Адиба УМИРОВА**

### Дашт

Дашт. Қизил қум. Сўнгги саратон,
Гулханларинг сўнг дафъа ёқиб –
Кўз олдимда солланиб чунон,
Мағрур қиздек турасан боқиб.

Ҳадикингми, Шарқнинг шамоли,
Кузатарсан беизн, бесўз.
Хайрлашув чоғидек ғамли,
Ҳар не менга туюлар азиз.

Уфқ сендан бошланган, эй чўл,
Барханларинг кечардим яланг.
Чақирарди олис нурли йўл
Олис сукут... бошоқранг даланг.

Қандай гўзал эди: қирларинг,
Қия тепалар... иссиқ меҳринг.
Томиримда оқар шивиринг,
Тортар эди ҳаяжон, сеҳринг.

Молбоқар қиз ҳасратларида,
Юрагингни берганмидинг ё.
Довул бўлсанг дарбандларида,
Қум заррангга айланар дунё.

Одам бўлай девдим, бу ҳаёт
Шоир қилди, базмларга ўч.
Чорлайвердинг соғинганинг пайт,
Унутдилар, унутмадинг ҳеч.

Орзуларим қаноти улкан,
Осмон эмас ғамларни қучди.
Ҳақ — ягона! Сен ҳақ экансан,
Руҳим яйдоқ бағрингга учди.

Сен мангусан. Замонсоз замон,
Ўз сўзимда турдим ловуллаб.
Сенда битта қолганди имкон,
Битта йўл бор кутар ҳувиллаб.

У мен учун яралган каъба,
Асрларнинг эврилар тоши.
У мен учун тавбадир, тавба,
Кезар гумроҳларнинг кўз ёши.

Тўфонларинг кўзимга кириб,
Бағрим эрур бу лоларанг қир.
Фақат сенда шон-шуҳрат мағлуб,
Тақдиримиз, манзилимиз бир.

### Кема

Тушимга кирибди бир қоп-қора кун,
Ғашлик босаётир билмадим нега?
Кўзимга бостириб келаверар тун,
Шовуллаган денгиз ва оппоқ кема.

Шамолдек увлайди руҳим ҳам нотинч,
Минг бир таҳлика бор ҳар сўроғимда.
Қайга шошаяпман, билолмадим ҳеч,
Денгизлар ғарқ бўлар кўз қароғимда.

Тўлқинлар қайгадир уради бебош,
Осмонлар кўзимга тўкилар шу дам.
Уфқлар ортида кўмилган қуёш,
Денгизлар ортида турасан беғам.

Ўртага чўкади оғир сукунат,
Қип-қизил кўйлакда ёниб бораман.
Художон, жонимдан ортиқ асрагин,
Уни ҳаётимдан кўпроқ севаман...

Оғир хаёлларим, сокин оқар кўл,
Ҳижрон довуллари эсади бот-бот.
Ортимда қолади ортга қайтмас йўл,
Олдимда бир қадам турар аросат.

Шамоллар бир зумда кўтарар тўфон,
Оҳу нолаларим кўкка етади.
Ёнимда туриб ҳам сезмай қоласан,
Мени оқ кемалар олиб кетади.

Манзара

## “Хотира” майдонидан... хотиралар

Шаҳримизда барпо этилган “Хотира” майдони аксарият вақтда зиёратчилар билан гавжум бўлади. Кимдир урушда ҳалок бўлган аждодини зиёрат қилгандек бўлиб, ўзини енгил ҳис қилса, яна кимдир Ватан учун курашиб қурбон бўлган қаҳрамонларимиз номини кўздан кечириб, дуои фотиҳа қилади. Бу кунларнинг шукронаси учун ҳеч бўлмаса бир маротаба “Хотира” майдонини зиёрат қилиш ҳаммамизнинг бурчимиз эканлигини ҳис қилишимиз даркор. Мен ҳам зиёрат мақсадида бу қадамжога ташриф буюрдим.

Ҳассага таянган бува набираси билан майдондаги ўриндиқлардан бирида ўтиришарди. Бува набирага уруш йиллари елкама-елка хизмат қилган сафдошлари ҳақида гапириб беряпти. Бола жимгина эшитяпти...

... Кейинги ўриндиқ. Бунда бува ва набира эмас, икки севишган ёшлар ўтиришарди. Улар дунё ташвишларидан узоқда, ўзларини худди ён-атрофда улардан бошқа ҳеч ким йўқдек тутишяпти. Қаердаликларини унутишган.

Бу икки манзара ким учундир кўз илғамас, оддий ҳол бўлиши мумкин. Ёшларнинг таъбири билан айтганда эса ҳар кимнинг хоҳиши. Аммо кимдир бу ердан бир хотира олиб қайтаётганда, бу ёшлар қандай «хотира» оляптилар-у, қандайини қолдиряптилар? Уларни ташқи томондан кузатиб, ҳаёсизлик деб баҳолаш мумкин. Бироқ бундай ҳолат Ватан учун жонини фидо қилган аждодлар ҳокига нисбатан ҳурматсизлик ҳамдир. Ёшларнинг, тўғрироғи “севишган”ларнинг жамоат жойларида ўзларини эркин тутишлари кўп кузатилган, кўпчиликнинг эътирозига сабаб бўлган масала. Лекин ҳозир бу ҳақда гапирмоқчи эмасмиз. Аммо “Хотира” майдонида учратганимиз бирбирига зид бу икки манзара барчамизни чуқурроқ



ўйлашга мажбур қилиши керак. Ва бундай ножоиз ҳолатларни бартараф этиш чораларини зудлик билан топиш лозим. Бизнингча, энг муҳими, ҳар ким ўз виждони олдида ҳисоб берса, янада дурустроқ бўлади.

Бу гапларим кимгадир эриш туюлаётган бўлса, сиз ҳам “Хотира” майдонига бир келиб кетинг. Ҳеч бўлмаса зиёрат қилиб қайтасиз.

**ДИЛФУЗАБОНУ**

## Янги нашр

***Хива “Бизнес ва туризмни ривожлантириш маркази” нашри — “Туристик бюллетень” чоп этила бошлади. Бундан кўзланган мақсад ўқувчиларни маҳаллий ва хорижий мамлакатлар сайёҳлик янгиликларидан хабардор қилиш, Хива, Бухоро, Самарқанд, Нукус шаҳарларида туризм соҳаси ходимларини қайта тайёрлаш ўқув марказлари фаолияти билан яқиндан таништириш, шунингдек, Ўзбекистон бўйлаб туризм соҳасидаги ахборот, маълумотлар алмашувини таъминлашдан иборат.***

***“Туристик бюллетень”нинг илк сонида Хивада бўлиб ўтган “Қадимий Хоразм маданияти” фестивали, Хива “Бизнес ва туризмни ривожлантириш маркази” фаолиятидан лавҳалар, малакали мутахассислар тайёрлаш муаммолари, экотуризм, Хоразм ва Қорақалпоғистонда туризмни ривожлантириш имкониятлари ва бошқа қимматли маълумотлар ёритилган. Ранг-баранг суратлар, туризм ривожи билан боғлиқ жадваллар янги нашр мазмундорлигини оширган. ЮНЕСКО бош раҳбари жаноб Коичиро Мацууранинг Хивага ташрифи муносабати билан унинг қадим шаҳар ҳақидаги таассуротлари берилган.***

***“Туристик бюллетень” Хива “Бизнес ва туризмни ривожлантириш маркази” ва Германия халқ университетлари немис ассоциациясининг Марказий Осиё ваколатхонаси ҳамкорлигидаги лойиҳа натижасида юзага келди. У ўтган йили икки марта нашр этилган бўлса, 2007 йилнинг ҳар чорагида чоп қилинади. Ижодий гуруҳ нашр мазмундорлигини ошириш, қизиқарли ҳамда зарур янги рукнлар очиш учун астойдил изланмоқда. “Туристик бюллетень” йўлбошловчилар, туризм соҳасида ўқиётган талабалар, менежерлар учун ҳам зарур қўлланма вазифасини ўтайди.***

**Абдулла САФОЕВ,**
**Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси**

## ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳри Ҳамза тумани Мурғоб кўчаси 140-уйда истиқомат қилувчи **Раҳимбой Қўзиев** номига расмийлаштирилган уй дафтари, унинг ўғли **Қўзиев Русланбек Раҳимбоевич**га тегишли фуқаролик паспорти, келини **Шарипова Мунира Рустамовна**га тегишли фуқаролик паспорти, Русланбек Қўзиев ҳамда Мунира Шариповаларнинг никоҳ қайдномаси, Русланбек Қўзиевнинг ўғли Раҳимбоев Асадбек Русланбековичнинг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномаси йўқолган. Уларни топган ва кўрганлар **191-63-56** рақамли телефонга қўнғироқ қилишларини илтимос қиламиз. Топишга ёрдам берганларга мукофот ваъда қилинади.

**АКБАРОВА Махфуза Абдурахмоновна**га ЎзДЖТУ томонидан немис тили ўқитувчиси ва миллий мактабларда рус тили ва адабиёти ўқитувчиси мутахассислиги бўйича 1992 йили берилган 076533 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **бекор қилинади.**

O'ZINGNI ANGLA!
HURRIYAT
Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси
Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2.
Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Исмат ХУДОЁРОВ
Таҳрир ҳайъати: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳаким САТТОРИЙ (масъул котиб), Шерзод ҒУЛОМОВ
Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уй.
Тел-факс: 135-39-01. Тел: 142-49-91, 142-52-72
Индекс: Якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233
Таҳририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Навбатчи: Фаррух ЖАББОРОВ
Топшириш вақти — 20. 00 Топширилди — 19. 30
® — тижорат белгиси.
Буюртма — Г-454 Т: 3404 1 2 3 4 5